

«Хадичаи Кубро»га кириш имтиҳонлари куни маълум бўлди



09:30 / 11.07.2019 5944

Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юртига ҳужжат топширган абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари куни маълум қилинди. Бу ҳақда hadicha.uz сайти хабар беради.

Маълум қилинишича, имтиҳонлар бўйича консультациялар 2019 йил 11 июль куни соат 9.00 дан 12.00 гача ушбу билим юртида ўтказилади.

Кириш имтиҳони 2019 йилнинг 13 июль куни соат 7:00 да «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» Миллий кўргазмалар маркази 1-павильонида бўлиб ўтади.

Эслатма: Абитуриентлар имтиҳонга паспорт ва қабул гувоҳномасини олиб келиши шарт.

